• Долзарб муаммо



# ЭКОЛОГИЯ XXI АСР БЎСАҒАСИДА

**Ўзбекистонда Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини тайёрлашга киришилди**

БИЗДА жуда кам ишлатиладиган «атроф-муҳит гигиенаси» тушунчаси кўпчиликнинг эътиборини тортиши табиийдир, албатта. Ҳақиқатан ҳам нега энди одатдагидек жўнгина қилиб «Табиатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлиги» деб қўя қолмаймиз? Янгича атама замирида нима бор? Дарвоқеа, у янгими ўзи?

Ана шу саволларга ва биринчи навбатда юқорида тилга олинган режа давлатнинг экологик ва соғлиқни сақлаш сиёсатига оид қандайдир бир янгилик билан боғлиқми, деган асосий саволга жавоб бериш учун яқин ўтмишдаги халқаро ҳамкорликка мурожаат қилиш керак бўлади.

Халқаро ҳамжамият бундан йигирма йилдан кўпроқ вақт муқаддам барқарор ривожланиш, дея аталмиш салмоқли устиворликни белгилаб бердики, атроф-муҳитнинг мусаффолиги ва инсон саломатлиги унинг асосини ташкил этади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги ютуқлар бошқа омиллар билан бир қаторда ҳозирги авлод яшаётган ва келажак авлодлар яшайдиган атроф-муҳитдаги шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳамма ерда эътироф этила бошланди.

«Атроф-муҳит гигиенаси» тушунчаси 1984 йили ўзининг халқаро мақомига эга бўлди. Ўшанда Европа минтақасидаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аъзолари бўлган давлатлар ҳамманинг соғлом бўлишига эришиш, дея аталмиш стратегияни қабул қилдилар. 2000 йилгача бўлган вазифаларни белгилаб олдилар. Атроф-муҳит гигиенасига оид устиворликларни аниқладилар. Бу инсон саломатлигининг турли жиҳатларидир. Экологик ҳисобланувчи жисмоний, кимёвий, биологик бевосита омиллар ҳам, уй-жой, шаҳарлар ривожи, ерлардан фойдаланиш, транспорт каби билвосита омиллар ҳам шунга киради.

БМТ 1989 йилда атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича ўтказилажак конференцияни тайёрлаш ишларини бошлади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шу иш доирасида саломатлик ва атроф-муҳит бўйича комиссия таъсис этди ва у «Бизнинг сайёрамиз — бизнинг саломатлигимиз» мавзусида мазмунли маъруза тайёрлади. У 179 та ҳукумат, халқаро ва нодавлат ташкилотларининг раҳбарлари ва юқори мансабдор шахслари қатнашган машҳур Рио-де-Жанейро (1992 йил) конференциясида янгради ва унинг хулосалари XXI аср дастурини қабул қилишда инобатга олинди. Бу эса, амалда келгуси асрда тараққиётни қандай қилиб ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан мусаффо қилиш тўғрисидаги режадир.

Одамлар саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташвиши билан банд бўлган турли давлат ва ташкилотларнинг ўтган йиллардаги бутун саъй-ҳаракатлари маҳсули бўлмиш ҳамма дастур ва тадбирларни санашнинг ўзи ҳам анча қийин. Фақат бир нарса равшан: турли даражадаги ҳамкорликсиз энди бу муаммоларни ҳал этишнинг иложи йўқ.

1994 йилда атроф-муҳит ва саломатлик юзасидан ўтказилган II Хельсинки конференцияси Миллий режани ишлаб чиқишга киришиш учун туртки бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, атроф-муҳит ва саломатликни сақлаш вазирлари айнан шу анжуманда ҳамкорликда ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олдилар. Улар инсон саломатлигини яхшилаш масаласига аввало, улар яшаётган муҳитни соғломлаштириш орқали ёндашиш лозим деган якдил хулосага келдилар. Экологик ва гигиеник муаммоларнинг оқибатлари билан шуғулланиш эмас, балки уларнинг манбаларини йўқотиш йўли билангина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бизнинг мамлакатимиз таклифига биноан Ўзбекистон Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режаси (АМГМХР)ни ишлаб чиқиш бўйича синов мамлакати қилиб белгиланди. Бунда бизнинг республикамиз томонидан синаб кўрилган Миллий режани Марказий Осиё ва Озарбайжонга тавсия этиш учун асос қилиб олиш назарда тутилган. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мавофиқлаштирувчилар қилиб белгиланди.

*Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида давлат ва халқаро аҳамиятга молик ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда бевосита қатнашадиган ўнлаб идора ва вазирликлар вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди.*

Шундай қилиб, ушбу муҳим ҳужжат устида ишлашга киришилди. Халқаро ҳужжатлар ҳамда бу ишга алоқадор бўлган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш шуни кўрсатмоқдаки, олдинда турган вазифа анча мураккабдир. Ва унинг самарасини амалда кўриш учун ҳийла узоқ вақт кутишга тўғри келади. Режанинг кўламлари шундай.

Маълумки, бизнинг қонунларимиз халқаро ҳуқуқ андозаларига мос тушади. Шу маънода АМГМХРни тайёрлашда Хельсинки конференциясида қабул қилинган атроф-муҳит гигиенаси бўйича Европа Декларацияси ва ҳаракат режаси каби ҳужжатларда мужассамлашган тажрибаларга таяниш мумкин ва лозим. Орадан бир йил ўтгач, 1995 йилнинг сентябрида Софияда бўлиб ўтган маслаҳат кенгашида тайёрланган ҳужжатда АМГМХРни Венгрия, Болгария, Буюк Британия, Швейцария каби айрим мамлакатларнинг режалаштириш соҳасидаги тажрибалари асосида тайёрлаш ҳақида тушунтириш берилган.

Декларациянинг бош қисмида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аъзоси бўлган Европа давлатлари атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш вазирларининг шундай баёнотлари бор: «Ҳаммамизнинг умумий мақсадимиз — саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни кўзлаган ҳолда бугунги авлоднинг турмуш шароитини яхшилаш. Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ҳозирги мавжуд амалиётини тубдан ўзгартириш ҳисобигагина барқарор тараққиётни таъминлаш мумкин. Жамиятнинг гуллаб-яшнаши ва узлуксиз тараққиёти табиатнинг биологик рангбаранглигини тўла тан олиш ва уни доимо муҳофаза қилишга асосланмоғи лозим».

Ушбу ҳаракатда атроф-муҳит ва саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги долзарб муаммолар рўйхати ва тавсифлари келтирилган. Чунончи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сувнинг, бино ичкариси ва ташқарисидаги ҳавонинг ифлосланиши, бахтсиз ҳодиса ва авариялар оқибатида юз берадиган ўлим ва жароҳатланиш, экология ва саломатлик, шаҳарларда соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, қуролли жанжал-суронлар оқибати масалалари шулар жумласига киради.

Давлатлар ўзларининг устивор йўналишларини мавжуд шароитларга қараб ўзлари белгилайдилар, дейилади Декларацияда. Бироқ, шу билан бирга, сув ва ҳавонинг мусаффолиги каби муҳим масалалар ҳамма мамлакатлардан жиддий эътибор талаб этади. Зеро, бу ҳаёт-мамот масаласидир.

Худди шундай Европа режаси Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини тайёрлаш учун маълум маънода услубий ёрдам бўлади. Унда атроф-муҳит гигиенаси масалаларига, хусусан, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларининг биргаликдаги масъулияти, бошқарув тамойиллари, экологик жиҳатдан аниқ омиллар, халқаро ҳаракатларга ёндошиш баён этилган.

Хельсинки конференцияси ҳужжатларида шундай фикр таъкидланади: синов лойиҳасининг (унда бизнинг мамлакатимиз ҳам иштирок этмоқда) пировард мақсадларидан бири шуки, ҳар бир мамлакатда Миллий режага жамоатчилик ва ҳукуматларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари маҳсули, мамлакатни барқарор ривожлантириш умумий дастурининг ажралмас қисми сифатида қаралмоғи лозим. Афтидан, нафақат ҳукуматлар, балки қонун чиқарувчи органлар даражасида тегишли қарорлар зарур бўладиган кўринади. Миллий режани тайёрлаш жараёнида тўла ошкораликни таъминлаш, бу ишга кенг жамоатчиликни, айрим фуқароларни жалб этиш эса, муҳим ҳужжатни ишлаб чиқишда зарур демократик ҳуқуқий замин яратибгина қолмай, уни молиявий таъминлаш муаммосини ҳам ҳал этиши мумкин. Зеро, давлатларнинг маблағлари етарли бўлмайди. Бинобарин, турли тадбиркорлик тузилмалари, халқаро ижтимоий фонд ва ташкилотларнинг ёрдамига ҳам таянмоқ лозим бўлади.

**В. КИРЧЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

• Мухбиримиз бонг уради

# ИШЛАМАГАНГА БАҲОНА ТОПИЛАВЕРАДИ

**Хонқа туманидаги ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги шоликорлари давлатга шоли сотиш режасини нега бажара олмадилар?**

*ШОЛИЧИЛИККА ихтисослашган хўжаликда ҳар гектар майдондан 53 центнер ўрнига 34,1 центнер ҳосил олинди. Хўш, нимага шундай бўлди? Хўжаликнинг барча раҳбару мутахассисларига шу саволни берсангиз, деярли бир хил жавоб оласиз: «Экиш чўзилиб кетди, униб чиққан ниҳоллар қуриб қолди, минерал ўғит тўла етказиб берилмади...»*

ХОРАЗМДА сув танқчиллиги содир бўлгани рост. Аммо, бу баҳонани хўжалик раҳбарлари писанда қилолмайдилар, чунки хўжалик экин майдонлари Амударё ва кўпдан-кўп серсув каналлар оралиғида жойлашган. Демак, экишнинг чўзилиб кетгани учун, аввалaмбор, раҳбарлар, мутахассислар айбдор эмасми? Техника соз бўлганда, ерлар вақтида тайёрланганда экишни қисқа фурсатларда сифатли ўтказиб олиш мумкин бўларди-ку?!

Минерал ўғитларнинг экин айни ривожланадиган пайтда етказиб берилмагани учун хўжалик раҳбарлари асосан тумандаги мутасадди идоралар айбдор дейишмоқда. Тўғри, туманларда минерал ўғитларни ташиб келтирувчи ва хўжаликларга етказиб берувчи шундай ташкилотлар озми-кўпми фаолият кўрсатмоқда. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик ўз юкини ўзи кўтариши, ўзига зарур ўғит, эҳтиёт қисмларни биринчи навбатда келтириб, ғамлаб қўйиши керак эмасми? «Юқоридан ажратиладиган» улушга кўз тикиб ўтиришга одатланган айрим раҳбарлар бу ҳақиқатни ҳамон тушиниб етишмаяпти. Улар орасида ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги раиси ҳам бор...

Хўжаликдаги шоличиликка ихтисослашган ўн иккита бригаданинг бирортаси режани бажармади. Ачинарлиси шундаки, К. Ибодуллаев бошлиқ бригада ижарачилари 164 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46,2 центнердан ҳосил етиштиришган ҳолда, А. Эшчонов бригадасида атиги 24,7 центнер бўлди, ёки 995 нафар ижарачидан борйўғи 33 нафари зиммасидаги режага етарли ҳосил етиштирди. А. Жуманиёзов, Ш. Қурбонов, С. Раҳмонова каби ижарачилар 55-62 центнердан ҳосил уюшган бўлса, Р. Зарипова, Х. Ҳасанов, С. Каримова, Х. Ражабова каби ижарачилар 18-19 центнердан оширолмадилар.

Бу «турли-туманлик»ка нимани баҳона қилиш мумкин?

Наҳотки, сув ва минерал ўғит тақчиллиги ёки экиш мавсумининг чўзилиши назорат қилинмаган, яъни бировнинг даласида экинлар гуллаб-яшнаган, бировникида эса сувсизликдан, ўғит йўқлигидан қуриб қолаверган бўлса!

Бу кўрсаткичларни хўжалик бош иқтисодчиси Н. Рўзматов шарҳлаб беришга ожиз. У киши фақат хўжаликда ўтган йили шоличиликдан 44 миллион сўмга яқин даромад олингани, бу йил бошида кўзланганидан деярли етти миллион сўм кўплигини айтади. Аммо, ишлар вақтида тўғри ташкил қилинмагани, ўғитлар йўқлиги ва бошқа қатор баҳоналар туфайли йўқотилган 2762 тонна шоли давлат хирмонларига топширилганда хўжалик яна 16,5 миллион сўм қўшимча даромад қилиши мумкин эди, деб хўжалик раҳбарларининг энг катта хатосини ҳам тан олади.

Хоразмда ўтган хўжалик йилида шоличиликда орқага кетиш содир бўлди. Шоличиликка ихтисослашган бирорта ҳам хўжалик режани бажара олмади. Вилоят шоличилигининг байроқдорлари саналган, йилига 25 минг тоннадан кам ҳосил олмайдиган ал-Хоразмий жамоа хўжалигида аҳвол шундай бўлгач, бошқалардан ўпкалаш ўринли эмас, албатта.

Баҳоналар ўз йўлига. Ишлаган имкон, ишламаган баҳона топишга уриниши ҳақ гап. Буни яна бир мисол яққол кўрсатади: ал-Хоразмий хўжалигига шундоқ ёндош бўлган «Ғалаба» жамоа хўжалиги (раиси Ўринбой Абдуллаев) ҳар гектар майдондан эллик центнердан ошириб ҳосил олди. Ваҳоланки, «Ғалаба»да барча сув манбалари шу «илғор» хўжаликлардан ўтиб боради.

Бир йилдаёқ «икки қадам орқага кетиш»ни аслида хўжалик раҳбарларининг ишни тўғри ташкил қилишмагани, масъулиятни унутишгани натижаси деб қарамоқ керак.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Ўғит-ер малҳами

# УНУМДОРЛИК ОТРЯДЛАРИ

Кечагина меҳнат сурони авж олиб турган далаларда бугун сокинлик. Лекин, деҳқон тинибтинчиётгани йўқ. У бўлажак ҳосил тараддудида. Бунга Қамаши туманидаги «Чим» жамоа ширкат хўжалиги аъзоларининг айни кунлардаги меҳнати мисол бўла олади.

Хўжалик аъзолари узоқ-яқин яйловлардан, аҳоли хонадонларидан гўнг йиғиб, далаларга ташиб чиқараяптилар. Маҳаллий ўғит баҳорги экиш ва экинлар парвариши даврида деҳқонга асқотади. Тумандаги «Қорабоғ» жамоа ширкат хўжалигида ҳам уч гуруҳда унумдорлик отрядлари ташкил этилган. Улар ҳар куни далаларга 80-100 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқда. Бунинг учун 30 та тележка, учта юклагич ажратилган.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Ҳамкорлик

# ОЛДИН ЮК МАШИНАСИ, ЭНДИ – «ЖИГУЛИ»

*Мана икки йилдирки, Фарғонада Европа ҳамкорлик мамлакатларининг «Таъсис» дастури бўйича Франциянинг «Содетег» фирмаси фаолият кўрсатяпти.*

У асосан, вилоятда фермер-деҳқон хўжаликларига амалий, моддий ёрдам кўрсатяпти. Шу йилнинг ёзида бевосита фирманинг кўмаги билан 10 дан ортиқ фарғоналик фермер франциялик касбдошларидан тажриба ўрганиб қайтишди.

Фирма фақат маслаҳат, йўл-йўриқлар, тавсиялар берибгина қолмай, моддий кўмакни ҳам аямаяпти. Яқинда вилоят фермерлар уюшмасига «Мулер МАЗ»юк машинаси тортиқ қилинган эди. Энди эса фирма маблағи ҳисобига сотиб олинган 6 та «Жигули» автомашинаси ҳам фермерлар ихтиёрига бериладиган бўлди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи мухбири.**

**ИНГЛИЗ, РУС ва ТУРК ТИЛЛАРИНИ БИЛАДИГАН ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!!!**

*Инглиз, рус ва турк тилларидан камида иккитасини биладиган қизлар котиба-референт вазифасига ишга таклиф қилинади. Маош келишув асосида белгиланади. Ишга киришни хоҳловчилар қисқача автобиографияларини ёзиб келишлари керак.*

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 69 (метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати). Телефон: 33-32-03, 33-15-18. Мурожаат соатлари: 8.30 дан 9.30 гача.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Котибияти Котибиятнинг масъул ходими Д. Қодировга отаси
**Халил ЙЎЛДОШЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни кенгаш ҳайъати ва меҳнат жамоаси Транспорт бошқармаси бошлиғи А. Сиддиқовга акаси
**Асадулла СИДДИҚОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда архитектура факультети жамоаси «Меъморчилик тарихи ва назарияси» кафедрасининг ўқитувчиси Дилшода Асқаровага укаси
**Озод ХЎЖАЕВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Қашқадарё вилояти сув хўжалиги бирлашмасининг бош муҳандиси Г. Қўзибоевга падари бузруквори
**Қўзибой МАВЛОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти ҳузуридаги молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти жамоаси бош методист Шоҳиста Хасановага оналари
**Кумрихон ҲАСАНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика илмгоҳи жамоаси лаборатория мудири Сотволди Джатаевга укаси
**Раимжон ДЖАТАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### ЧЕЧЕНИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТИДА

*Доғистоннинг Первомайское қишлоғида содир бўлаётган воқеалар ҳамда Чеченистондаги мураккаб вазият Россия оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди.*

«Труд» газетасида қонли воқеаларга чек қўйишнинг энг мақбул йўли — вазиятни уруш билан эмас, сиёсий жиҳатдан ҳал этиш кераклиги таъкидланади. «Известия»да эса, Қизлар ва Первомайскоедаги воқеалар Россия ҳаётида «заифлик ва шармандалик»дир дейилади.

### КЛИНТОННИНГ ТАКЛИФИ

*Чеченистон билан боғлиқ воқеалар бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда.*

АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакат газеталаридан бирининг мухбири билан суҳбатда, Чеченистон муаммосини сиёсий йўл билан бартараф этиш тарафдори эканини айтди.

«Агар Чеченистондаги вазиятни ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиш давом эттирилаверса, воқеалар ривожи бундан ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин», деди Билл Клинтон.

### ОХИРГИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

*Иорданиянинг Акаба шаҳрида ушбу мамлакат ва Исроил ўртасида тинчлик ҳақидаги шартноманинг охирги — тўртинчи битими имзоланди.*

Мазкур битимнинг имзоланиши яқин шарқдаги аҳволни янада яхшилашга хизмат қилади, деб таъкидлади Иордания ташқи ишлар вазири Абдул Карим ал-Кабарити.

### ҲОЗИРЧА... ШОВ-ШУВ

*Ҳиндистоннинг Марказий қидирув бюроси (МҚБ) мамлакат ҳукуматининг олти нафар аъзосини яқин кунларда порахўрлик ва мансабини суиистеъмол қилишда айбланиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.*

Мамлакатдаги йирик мухолиф партия — «Бхаратия жаната парти» раҳбари Л. К. Адванининг ҳам мазкур рўйхатдан ўрин олгани сиёсий доираларда катта шов-шувга сабаб бўлди.

### СЎНГГИ СЪЕЗД

*Япониядаги энг «Кекса» партиялардан бири — Япония Социалистлар партияси («Нихон сякайто») ўзининг сўнгги съездини ўтказди.*

Мазкур партия бугунги кунда аҳамиятини йўқотган ўзининг сўл марксистик қарашлари оқибатида танглик даврини бошидан кечираётган эди. Шу боис, партия аъзолари унинг номи, дастури ва уставини ўзгартиришга қарор қилдилар. Партия раҳбари Томиити Мураяма мамлакат Бош вазири лавозимидан истеъфога чиққанидан сўнг, партия раҳбарияти узил-кесил ана шундай хулосага келди.

Эндиликда мазкур партия расман Япония Социал-демократлар партияси деб аталадиган бўлди.

### ҚУРБОНЛАР КЎП

*Камбоджа ҳукумат қўшинлари мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган «Қизил кхмерлар» қароргоҳига кенг кўламли ҳужум бошлади.*

Бироқ ҳукумат қўшинлари Қизил кхмерларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. 500 га яқин жангари ҳозирча ўз қароргоҳини муваффақиятли мудофаа қилмоқда. Икки томондан ҳам кўплаб қурбонлар бор, дейилади ушбу хабарда.



*СУРАТДА: Толедо шаҳри (Испания).*

### «СИЁСИЙ ТАНГЛИКНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ЧЎҚҚИСИ»

*Бангладешдаги мухолиф партиялар тарафдорлари Дакка марказидаги сайлов комиссияси биносига ҳужум қилди. Улар полициячиларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди.*

Натижада 200 га яқин киши жароҳат олган. Намойишчилар 15 февралда бўлиб ўтадиган парламент сайловига қаршилик кўрсатиш ниятида. Улар ушбу сайлов холисона эмас, балки ҳукумат назорати остида ўтади, деган фикрдалар.

Хорижий мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда 22 ойдан буён давом этаётган сиёсий танглик шу кунларда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

### ВА НИҲОЯТ, ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН...

*Америка махсус хизмати томонидан гиёҳванд моддалар ташишда айбланган Таиланд парламентининг собиқ аъзоси Тханонг Сирипричапонг Бангкокдан АҚШ ҳукумати ихтиёрига жўнатилди.*

1991 йилдаёқ Калифорния суди уни 1973—1987 йиллар давомида АҚШга 49 тонна марихуна олиб кирганликда айблаган эди. Лекин ўша вақтда Таиланд миллий партиясининг ноиби саналган Т. Сирипричапонг бу айбловни рад этганди.

1994 йилда у ноиблик ваколатини елкасидан соқит қилиб, яширинган бўлса-да, унинг қилмиши билан боғлиқ можаро давом этди. Ниҳоят, 1995 йил у ўз ихтиёри билан полицияга бош эгиб келди.

